



## Ислом Нури

□□□□□□ □□□□□□ □□□□□ □□□

Шайх Муҳаммад Ҳассон  
Ислом Нури таржимаси

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

**«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост кўрқиш билан кўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!»** (Оли Имрон: 102).

**«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан кўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан кўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билан ажралиб кетишдан кўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир»** (Нисо: 1).

**«Эй мўминлар, Аллоҳдан кўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуг бахтга эришибди»** (Аҳзоб: 70, 71).



## Ислом Нури

Сўзларнинг рости Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг яхшиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари, ишларнинг ёмони (динда) янги пайдо қилинганлари, (динда) янги пайдо қилинган барча нарса бидъат, барча бидъат залолат, барча залолат эса жаҳаннамга элтгувчидир.

Аmmo баъд...

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Илмнинг фазли ва ўзини олим қилиб кўрсатишнинг хатарига бағишланган бугунги суҳбатимизга хуш келибсиз. Ушбу мавзу ҳам яхшироқ ўрганишга лойиқ ва аҳамиятга молик мавзулардан саналади. Мавзунинг бироз узунлигини ҳисобга олиб, уни қуйидаги бир неча бўлимларга бўлиб ўрганамиз:

1. Биринчи: Илмнинг Қуръон ва Суннатда баён қилинган фазилатлари.
2. Иккинчи: Шаръий жиҳатдан эътиборли илм.
3. Учинчи: Илм таҳсил қилишнинг фойдали йўллари.
4. Тўртинчи: Олимлик даъво қилишнинг хатари ва унинг кўринишлари.
5. Бешинчи: Давоси нимада?

### **Биринчи: Илмнинг Қуръон ва Суннатда баён қилинган фазилатлари**

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Бу дунёда талаб қилинадиган нарсалар ичида энг афзали илмдир. Унинг фазлини билиш учун Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва салламини бирор нарсада зиёдаликни сўрашга буюрмагани ҳолда, фақат илмда зиёдалик сўрашга буюрганини билишимиз ҳам кифоя қилади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтди: **«Айтинг: Парвардигорим, илмимни янада зиёда**



## Ислом Нури

**қилгин»** (Тоҳа: 114).

Ёки бўлмаса, Аллоҳ таоло Ўзининг ваҳдониятига – ягоналигига Ўзининг гувоҳлигини биринчи ўринга қўйгач, ортидан малоикаларининг улуғ гувоҳликларини ва бевосита унинг ортидан илм аҳллариининг гувоҳлигини қўяди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади: **«Аллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари — адолат билан ҳукм қилувчи ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай барҳақ маъбуд йўқ, фақат Унинг Ўзи барҳақлигига гувоҳлик бердилар. Ҳеч қандай барҳақ маъбуд йўқ, фақат Унинг Ўзи барҳақ. У қудратли, ҳикмат эгасидир»** (Оли Имрон: 18).

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло илм аҳллариининг мақомига гувоҳлик бериб айтади: **«Аллоҳдан бандалари орасидаги олимларгина қўрқур»** (Фотир: 28).

Сўнгра Аллоҳ таоло уларнинг қадрларини ва мартабаларини кўтариб қўйишини айтади: **«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража-мартабаларга кўтарур»** (Мужодала: 11).

Бу ҳақда кўплаб оятлар келган, Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

Аллоҳни танишга, Унинг розилигига эришишга ва охиратда Унга яқин бўлишга олиб борувчи йўлга фақатгина Аллоҳ пайғамбарларини у билан юборган ва китобларини у билан туширган фойдали илм орқали етилади.

Модомики, ер юзида илм сақланиб тураркан, одамлар ҳидоятда давом этадилар. Илмнинг сақланиб туриши олимларнинг туриши билан



## Ислом Нури

бўлади. Олимлар кетсалар, одамлар залолатга тушиб қоладилар.

Ҳақиқатдан ҳам олимларнинг ҳаёти ва илмга бўлган ҳаваси, уларнинг  
 қилган ишлари ва қилган хизматлари ҳақиқатдан ҳам одамларнинг  
 қалбига чуқур ўрнатилган. Уларнинг ҳаёти ва илмга бўлган ҳаваси,  
 уларнинг қилган ишлари ва қилган хизматлари ҳақиқатдан ҳам  
 одамларнинг қалбига чуқур ўрнатилган. Уларнинг ҳаёти ва илмга  
 бўлган ҳаваси, уларнинг қилган ишлари ва қилган хизматлари  
 ҳақиқатдан ҳам одамларнинг қалбига чуқур ўрнатилган. Уларнинг  
 ҳаёти ва илмга бўлган ҳаваси, уларнинг қилган ишлари ва қилган  
 хизматлари ҳақиқатдан ҳам одамларнинг қалбига чуқур ўрнатилган.

Имом Бухорий ва Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу  
 анҳумодан ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу  
 алайҳи ва саллам айтганларидек: **«Албатта Аллоҳ илмни бандалари  
 (қалби)дан суғуриб олиш билан олиб қўймайди, балки илмни  
 олимларни олиш билан олиб қўяди. Ҳатто бирон бир олимни  
 қолдирмагач, одамлар жоҳил кимсаларни ўзларига бош қилиб  
 олишади, улардан (фатво) сўралганда илмсизлик билан фатво  
 бериб, (ўзлари ҳам) адашиб, (бошқаларни ҳам) адаштиришади».**

Шоир айтганидек:

«Фахрланиш фақат олимларга ярашур,

Зеро, улар ҳидоят узра йўл кўрсатувчилардир.

Ҳар бир кишининг даражаси унинг ишига қараб бўлади,

Жоҳил кимсалар илм аҳлига душмандирлар.





## Ислом Нури

«...»

Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Ибн Ҳиббон, Байҳақий Абуд-Дардо розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтганлар: **«Ким илм талабида бир йўлга кирса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилиб қўяди. Дарҳақиқат, фаришталар илм толибининг бу қилган ишидан рози бўлиб, ўз қанотларини унинг оёқлари остига тўшарлар. Дарҳақиқат, олимга осмонлару-ердагилар, ҳатто сувдаги балиқлар ҳам дуо-истиғфор айтадилар. Олимнинг обиддан афзаллиги худди ойнинг қолган юлдузлардан афзаллиги кабидир. Дарҳақиқат, уламолар пайғамбарларнинг меросхўрларидирлар, пайғамбарлар эса тилла ҳам, кумуш ҳам мерос қолдирмаганлар, балки илмнигина мерос қилиб қолдирганлар. Кимда-ким уни олган бўлса, мўл улушни олибди».**

«...»

Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Алий розияллоху анхуга деганлар: **«Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сен сабабли бир кишини ҳидоят қилиши сен учун қизил туялар бўлишидан кўра яхшироқдир»** (Бухорий (7/58), Муслим (№2406) ривоятлари).

«...»



## Ислом Нури

□□□□□□□□  
□□□□ □□□□□□□□».

Имом Муслим Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтганлар: **«Инсон вафот этгач, барча амаллари ундан узилади: фақат учта амали(дан савоб келиб туради): садақаи жориядан, фойдаланиб туриладиган илмдан ва ҳаққига дуо қилиб турадиган солих фарзанддан»** (Муслим (№1631), Абу Довуд (№2880), Термизий (№1376), Насойй (6/251) ривоятлари).

Сафвон ибн Ассол розияллоху анхудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузурларига бордим, у зот масжидда қизил чопонларини ёстиқ қилиб суяниб ўтирган эканлар, «Ё Расулуллоҳ, мен илм излаб келдим», дедим. Шунда у зот: **«Марҳабо, толиби илм! Толиби илмнинг талаб қилаётган илмини яхши кўриб, уни малоикалар ўраб оладилар ва қанотлари билан соялайдилар, сўнг устма-уст бўлишиб, то дунё осмонигача етадилар»**, дедилар (Аҳмад, Табароний, Ибн Ҳиббон ривоятлари, Албоний «Саҳиҳут-тарғиб»да (№71) ҳасан санаган).

□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□  
□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ -□□□□ □□□□ □□□□ □□□□- □□□□□□□□ □□□□□□□□□□  
□□□□□□□□□□  
□□□□□□□□ » -□□□□ □□□□ □□□□ □□□□- □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□  
□□□□□□ □□□□□□□□□□  
□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□ .« □□□□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□  
□□□□ □□□□- □□□□□□□□  
□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ » -□□□□□ □□□□□  
□□□□□□□□□□□□□□



## Ислом Нури

«...»

Абу Умома ал-Боҳилий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бири обид (оддий ибодат қилувчи), иккинчиси олим бўлган икки киши ҳақида зикр қилинди. Шунда у зот айтдилар: **«Олимнинг обиддан афзаллиги худди менинг энг қуйи обрўда бўлганларингиздан афзаллигим кабидир»**. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло, Унинг малоикалари, самовоту ер аҳли, ҳатто инндаги чумоли-ю, (сувдаги) балиқлар одамларга яхшилиқни таълим берувчи кишига салавоту салом йўллаб турадилар»** (Термизий ривоят қилиб, ҳасан, саҳиҳ ҳадис, деган, Саҳиҳул-жомийъ: 1838).

- ...»





## Ислом Нури

«...»  
«...»  
«...»  
«...» ».

Бухорий ва Муслим Абу Воқид ал-Лайсий розияллоху анхудан ривоят қиладилар: Росулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам одамлар билан масжидда ўтирган пайтларида уч киши кириб келди. Иккитаси Росулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам томонга юрди, биттаси (бурилиб) кетди. Икковлари Росулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг олдиларида тўхтадилар. Улардан бири ҳалқадаги бўшлиқни кўриб, ўша жойга ўтирди. Иккинчиси уларнинг орқасига келиб ўтирди. Учинчи одам эса бурилганича кетди. Росулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам (сўзларидан) фориг бўлгач, дедилар: **«Бу уч киши ҳақида сизларга хабар берайми? Улардан бирлари Аллоҳга (яъни, Аллоҳнинг Расули мажлисига) интилан эди, Аллоҳ унга жой берди. Иккинчилари (ҳалқада бўш жой йўқ экан деб кетиб қолишдан) ҳаё қилган эди, Аллоҳ ҳам (жазо беришга) ундан ҳаё қилди. Учинчилари юз ўгириб кетган эди, Аллоҳ ҳам ундан юз ўгирди»** (Бухорий (1/143, 144), Муслим (№2176) ривоятлари).

Фазлу марҳармат соҳиби Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, бу мавзуда бундан бошқа ҳам жуда кўп ҳадислар келган.

### **Иккинчи: Шаръий жиҳатдан эътиборли илм**

Шаръий жиҳатдан эътиборли илмдан мурод – Имом Шотибий раҳимаҳуллох ўзининг «Ал-мувофақот» номли қимматли асарининг саккизинчи муқаддимасида айтганидек, Аллоҳ ва Расули унинг соҳибини мутлақо мақтаган илмдир.



## Ислом Нури

У киши айтадилар: Шаръан эътиборли саналувчи илм ўз эгасини нафс-ҳавосига эргашиб кетишига йўл қўймайдиган, эгасини ўзининг тақозосига мувофиқ ушлаб турувчи ва ўзининг қонун-қоидаларига ихтиёрий ё мажбурий равишда бўйсунадиган қилувчи фойдали илмдир.

Еттинчи муқаддимада айтадилар: Амални ифода этмайдиган ҳар қандай илмни шариатда яхши санашга далолат қилувчи нарса йўқдир.

Севикли дўстлар, илмнинг руҳи амалдир. Акс ҳолда, у фойдадан холи илм бўлиб қолади. Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳдан бандалари орасидаги олимларгина қўрқур»** (Фотир: 28). Аллоҳ таоло айтади: **«Зотан, у Биз (вахий орқали) берган таълимимиз сабабли чуқур билим эгасидир»** (Юсуф: 68). Қатода раҳимаҳуллоҳ айтади: Яъни, Биз таълим берган нарсаларга амал қилувчидир.

Амалсиз илм фойда бермайди. Аллоҳ таоло айтади:

**«Эй мўминлар, сизлар нега ўзларингиз қилмайдиган нарсани (қиламиз деб) айтурсизлар?! Сизларнинг ўзларингиз қилмайдиган ишни (қиламиз деб) айтишларингиз Аллоҳ наздида ўта манфур (ишдир)»** (Саф: 2, 3).

**«Одамларни яхшиликка чорлаб, ўзларингизни унутасизларми? Ҳолбуки, ўзларингиз китоб (Таврот) тиловат қиласизлар. Ақлингизни юргизмайсизларми?»** (Бақара: 44).

□□□□ □□□ - □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□ □□ □□□□□ □□□□□  
□□□□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□ » :□□□□□□□ - □□□□□ □□□□□  
□□□ □□□□□□□□□□



## Ислом Нури

«...»  
«...»  
«...»  
«...»  
«...»  
«...»  
«...»

Бухорий ва Муслим Усома ибн Зайд розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтадилар: **«Қиёмат куни бир кишини олиб келиниб, дўзахга улоқтирилади. Ичаклари қорнидан чиқиб кетиб, улар билан тегирмон айлантираётган эшакдек (доира шаклида) айланаверади. Жаҳаннам аҳли унга йиғилиб келиб: «Эй фалончи, сенга нима бўлди, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариб юрган эмасмидинг ахир?», дейишади. «Ҳа, яхшиликка буюрардим-у, ўзим қилмас эдим, ёмонликдан қайтарар эдим-у, ўзим қилаверар эдим», дейди»** (Бухорий (6/238), Муслим (№2989) ривоятлари).

Шунинг учун Набий соллаллоху алайҳи ва саллам Аллоҳга дуо қилиб, фойдасиз илмдан паноҳ тилардилар. Имом Муслим ва бошқалар Зайд ибн Арқам розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам:

«...»  
«...»  
«...»



## Ислом Нури

□□□□□ □□□□□□□□□□□□».

**«Эй Аллоҳим, мен фойдасиз илмдан, хушуъсиз қалбдан, тўймас нафсдан ва қабул қилинмас дуодан Ўзингдан паноҳ тилайман»,** дер эдилар (Абу Довуд (№1548), Насоий (8/263) ривоятлари).

Абуд-Дардо розияллоҳу анҳу айтадилар: «Қиёмат куни мендан: «Илм ўқидингми ё жоҳил бўлдингми?» деб сўралса, мен: «Илм ўқидим» десам, шунда Аллоҳнинг Китобидан биронта ҳам буюрувчи ё қайтарувчи оят қолмасдан, ҳаммаси менинг олдимга келиб, унга амал қилганимдан сўраса, буюрувчи оят келиб: «Буйруғимга бўйсундингми?!», деса, қайтарувчи оят келиб: «Қайтариғимдан тийилдингми?!», деса, мен ана шундан қаттиқ кўрқаман. Бас, шундоқ экан, мен фойдасиз илмдан, хушуъсиз қалбдан, тўймас нафсдан ва қабул қилинмас дуодан Аллоҳнинг Ўзидан паноҳ тилайман» (Байҳақий, Доримий, Ибн Абдулбар ривоят қилганлар).

Алий розияллоҳу анҳу айтадилар: «Эй илм аҳли, унга амал қилингиз! Зеро, олим - илм ўқиган, сўнг амал қилган ва илми амалига мувофиқ келган кишидир. Ҳали шундай қавмлар келадики, илмлари ҳалқумларидан ўтмайди, ичлари ташларига зид келади, илмлари амалларига хилоф бўлади, бир-бирларига мақтанишиб, ҳалқа-ҳалқа бўлиб ўтиришади, ҳатто бир киши ўз ҳалқасидаги киши бошқа бир ҳалқага бориб ўтирса, ундан ғазабланади ва уни тарк қилади. У кишиларнинг бу амаллари Аллоҳ азза ва жалла ҳузурига кўтарилмайди» (Имом Шотибий «Ал-мувофақот»да, саккизинчи муқаддимада худди шундай, санадсиз келтирган).

Молик ибн Динор раҳимаҳуллоҳ айтадилар: Олим агар илмига амал қилмаса, унинг мавъизаси қалбларда худди ёмғир томчиси силлиқ



## Ислом Нури

тошда ўрнамаганидек ўрнамайди.

Ибн Саммок раҳимаҳуллоҳ айтадилар:

Қанча-қанча Аллоҳни эслатувчи кишилар бўладики, ўзлари Уни унутган бўлади.

Қанча-қанча Аллоҳдан кўрқитувчилар бўладики, ўзлари Аллоҳга қарши журъатли бўлади.

Қанча-қанча Аллоҳга яқинлаштирувчилар бўладики, ўзлари Аллоҳдан узоқ бўлади.

Қанча-қанча Аллоҳга чорловчилар бўладики, ўзлари Аллоҳдан қочувчи бўлади.

Қанча-қанча Аллоҳнинг Китобини ўқувчилар борки, ўзлари Аллоҳнинг оятларидан суғурилувчи бўлади.

Модомики, илм ўз эгасини Аллоҳ жалла ва алога бандалик қилдирмас экан, унинг асло қиймати йўқдир. Илм ўз эгасини Аллоҳ жалла ва алога яқинлаштирамас экан, унинг ҳеч қандай вазни йўқдир. Илм ўз соҳибига Аллоҳдан кўрқувни келтирмас экан, унда яхшилик йўқдир. Шаръан эътиборли илм – ўз соҳибини Аллоҳнинг амрларига бўйсунуш ва қайтариқларидан тийилиш ҳамда Аллоҳнинг ҳад-ҳудудларида туриш орқали Аллоҳга яқинлаштирадиган ҳар қандай ишга мажбурлайдиган илмдир.

**Учинчи: Илм таҳсил қилишнинг фойдали йўллари**

Имом Шотибий раҳимаҳуллоҳ «Ал-мувофақот» китобининг ўн иккинчи



## Ислом Нури

муқаддимасида айтадилар:

Илмни чуқур ўрганишнинг энг фойдали йўлларида бири уни чуқур эгаллаган эгаларидан олишдир. Дарҳақиқат, илм кишиларнинг қалбларида эди, кейин китобларга кўчди ва калитлари кишиларнинг қўлларида қолди, демишлар. Бу сўз тақозосига кўра, илмни кишилардан (яъни, уни чуқур эгаллаган олимлардан) олиш зарур бўлади. Шубҳасиз, ўшалар унинг калитларидир.

Кейин айтадилар: Модомики, илмни чуқур эгаллаган олимлардан олиш зарурлиги собит (аниқ) бўлган экан, бунинг икки йўли бор:

**Биринчи йўли - юзма-юз ўтириш**, бу икки йўлнинг фойдалироғидир.

Яъни, шогирд устози олдида ихлос билан, сидқидилдан илмга иқбол қилиб ўтиришидир. Устознинг олдида бу қабилда ўтиришнинг жуда катта баракот ва фойдалари бор.

Қанча-қанча масалалар бўладики, толиби илм уни китобдан ўқиб, ёдлаб олади, дилида қайта-қайта такрор қилади, аммо тушунолмайдди. Ўша масалани устози олдида ўқиганида бирданига миясида тушунча пайдо бўлади, устоз ҳузурида унда ўша масаланинг илми ҳосил бўлади.

Шотибий раҳимаҳуллоҳ айтадилар:

«Баъзида бу тушунча оддийгина йўл билан, чигал ўринни шогирднинг миясига келмаган бир усулда тушунтириб бериш орқали ҳосил бўлиб қолади. Баъзида эса Аллоҳ таоло шогирдга устози олдида қўл қовуштириб, унинг дарсига эҳтиёжини изҳор қилиб ўтирган пайтда



## Ислом Нури

ғайриоддий тарзда берадиган илҳом билан ҳам ҳосил бўлиб қолади. Бу эса уламолар билан бирга ўтиришнинг фойдаларидан саналади. Чунки, улар ҳузурда шогирд учун бошқа пайт очилмайдиган нарсалар очилади.

**Илм таҳсил қилишнинг иккинчи йўли** – Абу Исҳоқ Шотибий раҳимаҳуллоҳ сўзларини келтиришда давом этамиз – олимларнинг китобларини мутолаа қилишдир. Бу фойдали бўлиши учун иккита шарт топилиши керак:

**Биринчиси**, китоблардан ўқиш билан ўша талаб қилинаётган илмнинг мақсадларини тушунишга ва у илм эгаларининг истилоҳларини (терминларини) билишга етарли қобилият ва лаёқати бўлиши. Бу эса олимлардан ва шу фаннинг билимдонларидан юзма-юз ўтириб, дарс олиш воситасида пайдо бўлади.

**Иккинчиси**, мутақаддим (аввалги даврдаги) уламоларнинг китобларини мутолаа қилишга қасд қилиш. Чунки, улар кейинги давр кишиларидан кўра уни яхшироқ англовчи бўлганлар. Қолаверса, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг яхшиликларига гувоҳлик бериб, Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда айтганлар:

– مَنْ لَمْ يَكُنْ يَتَعَلَّمُ نِسْبَةَ أَبِيهِ لَا يَكُنْ يَتَعَلَّمُ نِسْبَةَ اللَّهِ فَإِنَّ نِسْبَةَ اللَّهِ كَنَسْبَةِ الْبَنِي إِسْرَائِيلَ وَمَنْ لَمْ يَكُنْ يَتَعَلَّمُ نِسْبَةَ اللَّهِ لَا يَكُنْ يَتَعَلَّمُ نِسْبَةَ اللَّهِ. /

**«Одамларнинг энг яхшиси менинг асрим аҳли, сўнг улардан**



## Ислом Нури

**кейингилар, сўнг улардан кейингилардир. Сўнгра бир қавм келадики, улардан бирининг гувоҳлиги қасамидан ўзади, қасами гувоҳлигидан ўзади»** (Бухорий (5/199), Муслим (№2534) ривоятлари).

Шундай экан, шаръий илм таҳсил қилишни истаган киши олимлар ҳузурига бориши, улар дарсида ўтириши, ниятини тўғри қилиши, амалини Аллоҳ учун холис қилиши, ичида ҳам, ташида ҳам, сўзида ҳам, амалида ҳам Аллоҳдан тақво қилиши, тоатларга ҳарис бўлиши, гуноҳлардан ва ҳаром ишлардан узоқ бўлиши лозим бўлади. Зеро, гуноҳу маъсиятлар илмнинг нурини ўчириб қўювчи зулматдир.

Имом Молик Шофийга – раҳимаҳумаллоҳ – айтганларидек: «Мен Аллоҳ сизнинг қалбингизга нур солиб қўйганини кўраяпман, бу нурни гуноҳлар зулмати билан ўчириб қўйманг».

Шофий раҳимаҳуллоҳ айтганлар:

Вакиъга «Зеҳним паст» дея арз қилдим,

Деди: Гуноҳларни тарк қил, даво шул.

Билгилки, Аллоҳнинг нуридир илм,

Осийга Аллоҳнинг нури олмас йўл.

Аллоҳ таолодан барчамизни содиқлардан қилишини сўраймиз.

**Иккинчи хутба**





## Ислом Нури

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

Аллоҳим, Ўзинг у зотга, аҳли ва асҳобига, то қиёмат у зотни севган ва йўлларига йўлланиб, суннатларини тутган ҳар бир кишига кўпдан-кўп саловоту саломлар йўллагин.

Аммо баъд...

**Тўртинчи: Олимлик даъво қилишнинг хатари ва унинг кўринишлари**

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Олимлик даъво қилиш хатарли дард ва ёмон иллатдир. У «Аллоҳ номидан илмсизлик билан сўзлаш» деб аталувчи бузғунчиликнинг кириб келиш остонасидир. Ўзини олим деб даъво қилувчи илмсиз киши – пишиб етилмай туриб қуриб, туршакка айланиб қолган мевага ўхшаб, ҳали илмни пухта эгалламай туриб, олимлик даъво қилади.

Имом Ғазолийнинг мана бу сўзлари нақадар ажойиб: «Илмсиз одам сукут қилса эди, ўртада хилоф қолмасди».

Биз бу сўзларимиздан фақат илм ўқишга ялқовлик қилгани ҳолда олимлик даъвосини қиладиган, ҳали тўлмай туриб тошиб кетадиган чаламуллаларни назарда тутмоқдамиз. Илм даъвосини қиладиган ва Аллоҳнинг дини ҳақида илмсизлик билан, далилсиз сўз айтадиган бу турдаги «олим»лар ҳавои нафсларининг йўриғига тушиб қолишган, бу хатарли иллат уларни барча ёмонликка, ҳалокат, залолат ва адаштиришга қараб судрайди. Ҳар қандай саволга жавоб айтишдан парҳез қилмайдилар, тўғри келган масалада фатво беришдан ҳайиқмайдилар.



## Ислом Нури

Ривоят қилишларича, бир киши ҳар қандай саволга тўхталмай жавоб айтиб ва фатво бериб юбораверар экан. Таниш-билишлари унинг бу феълини билишгач, одамларни унинг залолатидан огоҳлантириб қўйиш мақсадида уни имтиҳон қилиб кўрмоқчи бўлишибди ва аслида йўқ бўлган «хинфишор» деган бир сўзни ўйлаб топишиб, ундан шу ҳақда сўрашибди. У ўйланиб ўтирмай, сўз бошлабди:

«Хинфишор Яман тарафларда ўсадиган хушбўй бир ўсимлик бўлиб, агар туя еса, сути боғланиб қолади. Бу ҳақда яманлик бир шоирнинг шеъри ҳам борки:

Муҳаббатингиз қалбимни ўзига боғлади

Худди хинфишор туя сутини боғлаганидек».

Сўнг гапида давом этиб айтибди: «Довуд Антокий ўзининг хотираларида хинфишорнинг мана бундай, мана бундай турларини айтиб ўтган». Кейин шу билан кифояланиб қолмасдан, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам номларидан ҳам ёлғон тўқий бошлаган экан, уни тўхтатиб қолишибди ва: «Ановилар ҳақларида ёлғон тўқиганинг ҳам етар, бас, энди Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам номларидан ёлғон тўқима!», дейишибди. Шундай қилиб, бу бечоранинг каззоб ва алдоқчилиги ошкор бўлибди.

Ҳамма замон ва маконлар ҳам мана шу турдаги «хинфишорчи»лардан холи бўлмайди. Аллоҳ таолодан офият сўраймиз.

**Олимлик даъво қилишнинг кўринишлари**



## Ислом Нури

**Биринчи: Фатвода билағонлик қилиш, ваҳоланки фатво куйдирувчи чўғдир.**

Баъзи илм даъвосидаги кишиларни кўрамизки, савол ва фатво сўровчини жавобсиз қайтаришга ғурури йўл қўймайди ва Аллоҳ номидан илмсизларча гапиришга журъат қилади. Ҳатто, айримлари борки, савол сўровчи ҳали саволини охирига етказмасидан туриб, жавоб беришга киришиб кетади, шайхулисломлар ва буюк имомлар ҳам тўхталган нарсаларда тўхтовсиз гапни олиб қочади.

Балки, фаразан Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга рўбарў қилинганида у киши бунинг жавоби учун бутун Бадр аҳлини жамлаган бўладиган масалада ҳам журъат билан фатво беради.

Абдурраҳмон ибн Аби Лайло айтади: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳобидан бир юз йигирматасини кўрганман, бировидан бир масала сўралса, бошқасига ҳавола қилар, униси яна бошқасига ҳавола қилар, у масала охири яна биринчи сўралган кишига қайтиб келарди». Бир ривоятда: «Улардан бирон киши бир сўзни сўзламай туриб, бу хусусда унинг ўрнига бошқа биродари кифоя қилишини истарди».

Зухрий Холид ибн Асламдан ривоят қилади: «Ибн Умар розияллоҳу анҳумо билан бирга эдик, бир аъробий у кишидан: «Амма меросга ҳақли бўладими?», деб сўради. Ибн Умар: «Билмайман», деб жавоб бердилар. У киши: «Сиз билмайсизми?!», деди. «Ҳа. Бор, олимлардан сўра», дедилар. Ҳалиги киши кетгач, Ибн Умар қўлларини ўпиб: «Абу Абдурраҳмон нақадар яхши гап айтди. Билмаган нарсасидан сўралганда билмайман, деб жавоб берди», дедилар.

Олимлар зикри келганида Имом Молик порлоқ юлдуз деб кўрилади.



## Ислом Нури

Имом Шофий у киши ҳақларида айтадилар: «Мен Моликнинг 48та масала ҳақида сўралганларида шундан 32тасига билмайман, деб жавоб берганларига гувоҳман».

Шофий раҳимаҳуллоҳ ҳақларида Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ айтганлар: «Қирқ йилдан бери ўқиган ҳар бир намозимда албатта Шофий раҳимаҳуллоҳ ҳақларига дуо қилдим».

Бир куни ўғиллари Имом Аҳмаддан: «Отажон, Шофий ким бўлганлар, сиз ҳақларига бунча кўп дуо қиласиз?», деб сўради. «Эй ўғлим, Шофий раҳимаҳуллоҳ олам учун қуёшдек, одамлар учун офиятдек эдилар», дедилар у зот.

Исҳоқ ибн Роҳавайҳ раҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Маккаи Мукаррамада Аҳмад ибн Ҳанбал билан кўришиб қолдим. У киши: «Бу ёққа келинг, сизга бир кишини кўрсатаман, дунёга келиб, кўзингиз ундай зотни кўрган эмас», деди ва менга Шофийни кўрсатди. Биз ҳадис ҳақида сўзлашдик, у кишидан кўра олимроқ одамни кўрмадим. Сўнг фикҳдан сўзлашдик, у кишидан фақихроқ одамни кўрмадим. Сўнгра Қуръондан гаплашдик, у кишидан кўра қорироқ одамни кўрмадим. Кейин луғат ҳақида сўз кетди, билдимки, у киши луғатхона эканлар. Дарҳақиқат, кўзларим у зотга ўхшаш бирор кишини кўрган эмас».

Шу даражада буюк олим бўлишларига қарамай, Имом Шофийдан бир масала ҳақида сўралганда жим қолдилар. «Жавоб бермайсизми?!», деб сўралганда: «Жим туришим афзалми, жавоб беришимми, билмай қолдим», дедилар.

**Ўзини олим қилиб кўрсатишнинг энг ёмон кўринишларидан бири** - манмансираш, кибрланиш, сўзлаш ва суҳбатлашишда



## Ислом Нури

беодоблик қилиш, одамларни камситиш, мажлисларда бировга гап бермаслик мақсадида айрим масалаларни ёдлаб олишдир.

Абу Довуд, Ибн Можа, Ибн Ҳиббон, шунингдек Ҳоким ривоят қилган ва Бухорий ва Муслим шартига кўра саҳиҳ деган, шайх Албоний «Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб»да саҳиҳ санаган, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«...- ...  
... » -...  
...  
...  
...».

**«Ким Аллоҳнинг Юзини истаб ўрганиладиган илмни фақат бирон дунёвий нарсага етишиш мақсадида ўрганса, Қиёмат куни жаннатнинг ҳидини ҳам топмайди».**

Имом Термизий ривоят қилиб, ғариб ҳадис деган, Ҳоким, Байҳақий, Ибн Можа ривоят қилган, Албоний саҳиҳ санаган, Каъб ибн Моликдан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«...».



## Ислом Нури

**«Ким илмни уламолар ичида мақтаниш ё жоҳил кимсалар билан тортишиш ё одамларни ўзига қаратиш учун ўрганса, Аллоҳ уни дўзахга киритади».** Аллоҳдан офият сўраймиз.

**Бешинчи: Давоси нимада?**

1) Амални Аллоҳ учун холис қилиш, ниятни тўғрилаш. Ихлос – холис ният билан амални ширкка доир барча аралашмалардан тозалаш, демакдир.

2) Иттибоъ (Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш). Тўғрилиқ шундадир.

3) Қалбни, нафсни ва аъзоларни гуноҳлардан поклаш. Зеро, Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтганларидек, илмдан маҳрумлик гуноҳ ва маъсиятлар асоратидир.

4) Тавозеъли бўлиш, кибрланмаслик, олимлар ҳузурида ўтириш.

5) Аллоҳ аза ва жаллага кўп тавба-тазарруъ қилиш, Унинг ҳузурида синиқлик изҳор қилиш. Зеро, фазл Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло томонидандир: **«Балки агар (иймонингларда) содиқ бўлсангизлар Аллоҳ сизларни иймонга ҳидоят қилганини миннат қилур»** (Ҳужурот: 17).

6) Қалбингизни Аллоҳга боғланг, бандалардан бирортасига боғламанг. Зеро, бандаларнинг ҳаммаси йиғилиб, сизни мақтасалар ҳам, агар Аллоҳдан узоқ бўлсангиз, ҳаргиз сизни Аллоҳга яқин қила олмайдилар. Агар бандаларнинг ҳаммаси йиғилиб, сизни ёмонласалар ҳам, агар Аллоҳга яқин бўлсангиз, Ундан асло узоқлаштира олмайдилар. Шундай экан, бандалардан умидингизни узинг ва



## Ислом Нури

дилингизни Холиқ субҳанаҳу ва таолога боғланг. Ким Аллоҳга таваккул қилса, унга Ўзи кифоя қилади. Ким ишини Аллоҳга топширса, Ўзи уни ҳидоят қилади. «**Аллоҳ Ўз бандасига** (уни барча бало-қазодан асраш учун) **етарли эмасми?!**» (Зумар: 36).

Эй аллоҳим, бизларга фойдали илм бергин ва илмимизни зиёда қилгин  
эй оламлар Парвардигори!

2010 йил 24-сентябр